

## Пайғамбар суйган фақирлик



16:44 / 23.05.2018 7360

Имом Бухорий ва Имом Муслимлар «Саҳиҳ»ларида келтирган ривоятда Оиша розияллоху анҳо: «У зотнинг ухлайдиган тўшаклари ичига хурмо барги солиниб, ошланган теридан бўлган», деб уй жиҳозларини таърифлайди. Имом Термизий Ҳафса розияллоху анҳодан ривоят қилади: «Расулуллоҳнинг уйларидаги тўшаклари дағал мато (кигизга ўхшаган тўшанчи) эди. Биз уни буклаб, икки қават қилар эдик. Ўшанда ухлар эдилар. Бир кеча буклаб, тўрт қават қилдик. Тонг отгач: «Бу кеча менга нимани тўшадингиз?» дедилар. Биз қилган ишимизни айтдик. У зот: «Ўз ҳолига қайтаринглار. Унинг юмшоқлиги шу кеча мени намозимга халақит берди», – дедилар».

Икки шайх, Термизий ва Ибн Можа келтирган ривоятда: «У зот баъзан ипдан тўқиб ясалган сарир (Хурмонинг узун барглари эшиб, тайёрланган ипни тўрсимон шаклда тўқиб ишланган каравотга ўхшаш нарса. Одатда

унинг устига тўшак солиб ётилган) устида ухлар, (ботиб кетганидан) ёнбошларида унинг изи қолар эди», дейилган. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Набий солаллоҳу алайҳи васалламнинг қоринлари ҳеч қачон тўқ бўлмаган. Бирор кишига шикоят ҳам қилмаганлар. У зот фақирликни бойликдан афзал кўрганлар. Оч-наҳор юриб, туни билан очликдан қийналсалар ҳам, аммо бу кундузи тутадиган рўзаларига халақит қилмасди. Агар у зот Роббидан ернинг жамики конлари, мевалари ва тўкин ҳаётини сўрасалар, албатта берарди. У кишидаги бу ҳолатни кўриб, раҳмим келганидан йиғлар эдим. Очлик (оғриғи)дан қўлим билан қоринларини силаб: «Жоним сизга фидо бўлсин! Дунёдан ўзингиз учун ҳеч бўлмаса етарли егулик олсангиз-чи?» десам, у зот: «Эй Оиша, дунёга юзланишнинг менга нима кераги бор. Азму қарор, матонат эгаси бўлган пайғамбар биродарларим бундан ҳам оғирроғига сабр қилиб, яшаб ўтишди. Робблари ҳузурига боришганда уларни икром қилиб, савобларини кўпайтириб беради. Агар ҳузур-ҳаловатда яшашни танласам, эртага уларнинг мартабасидан мартабам пастроқда бўлишидан уяламан. Менга биродарларим ва қадрдон дўстларимга етишишдан ҳам кўра яхшироқ нарса йўқ», дедилар». Оиша онамиз айтади: «Шу сўзни айтганларидан кейин бир ой ўтиб вафот этдилар».